



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2013 йил 27 ноябрь, № 232 (5906)

Чоршанба

ТАШРИФ САМАРАЛИ БЎЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов ва Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов 26 ноябрь куни "General Motors Powertrain Uzbekistan" Ўзбекистон — АҚШ қўшма корхонасига ташриф буюрдилар.

Олий мартабали меҳмон қўшма корхонанинг ишлаб чиқариш салоҳияти, шарт-шароитлари билан танишди.

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида Ўзбекистон автомобиль ишлаб чиқарувчи етакчи мамлакатлардан бирига айланди. Бугунги кунда ўзбек автомобиллари нафақат мамлакатимизда, балки хорижий давлатларда, жумладан, Туркменистонда ҳам хариддоргир.

Дунёнинг етакчи компаниялари билан ҳамкорликда ташкил этилган "GM Uzbekistan", "СамАвто", "JV MAN Auto — Uzbekistan" сингари корхоналарда энгил ва юк автомобиллари, автобуслар, махсус машиналар, кенг турдаги бутловчи қисмлар ишлаб чиқаришмоқда.

"General Motors Powertrain Uzbekistan" корхонасининг ташкил қилиниши автомо-

билсолзгимиз ривожда янги даврни бошлаб берди. Президентимиз Ислон Каримовнинг 2008 йил 16 декабрда қабул қилинган хорижий инвестициялар иштирокида куч агрегатлари ишлаб чиқарадиган "General Motors Powertrain Uzbekistan" корхонасини ташкил қилишга оид қарорига мувофиқ ташкил этилган ушбу йирик қўшма корхона минтақамизда автомобиллар учун двигателлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган ягона заводдир. Бундай ноёб ва мураккаб ишлаб чиқариш корхоналари дунёнинг санокли мамлакатидоғина мавжуд.

Корхона алюминий эритиш ва қуйиш, термик ишлов бериш, цилиндр блоклари, тирсақли валга ишлов бериш ускуналари, уларни автоматик йиғиш линиялари, шунингдек, назорат-ўлчов машиналарини

ўзичига олган замонавий технологик ускуналар билан жиҳозланган. Ишлаб чиқариш жараёни компьютер орқали бошқарилади. Бу ердаги технологик жараён ишлаб чиқариш ва маҳсулот сифатини мунтазам назорат қилиб бориш имконини беради, айни пайтда экологик хавфсизлик нуқтаи назаридан ҳам жаҳон стандартларига тўла мосдир. Корхона маҳсулотларидан нафақат Ўзбекистондаги, балки "GM"нинг глобал тармоғига кирувчи хориждаги бошқа автомобилсозлик корхоналари ҳам фойдаланмоқда.

Мазкур завод "General Motors"нинг қуйиш ва йиғув цехлари бир жойда жойлашган дастлабки корхонасидир. Корхона ускуналар билан жиҳозланиши, технологик операцияни назорат қилиш тизими, эргономик ва

экологик стандартларга мувофиқлиги бўйича энг замонавий ҳисобланади. Ўрнатилган регенерация тизими ишлаб чиқаришнинг ёпиқ циклини таъминлаш имконини бераётди.

Туркменистон Президенти мамлакатимиз автомобиль саноати ривожига улкан муваффақиятлардан бири бўлган, замонавий стандартлар асосида, энг сўнги русумдаги технологиялар билан жиҳозланган ушбу корхона фаолиятини юқори баҳолади.

Олий мартабали меҳмон завод худудига кўрғазмага қўйилган, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган замонавий энгил автомобиллар, юк машиналари, тракторлар ва бошқа қишлоқ хўжалик техникаси билан танишди. Туркменистон Президенти мамлакатимизда ишлаб

чиқарилаётган ушбу автомобиллар ва бошқа техника турининг қўллиги, уларнинг сифати ва дизайнига юксак баҳо берди. Гурбангули Бердимухамедовда "GM Uzbekistan" қўшма корхонаси томонидан янги ўзлаштирилган "Chevrolet Orlando" оилавий минивэни катта таассурот қолдирди. 2014 йилнинг биринчи чорагидан мазкур минивэни кенг ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Шу билан Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи якунига етди. Шубҳа йўқки, ушбу ташриф ва унинг натижалари Ўзбекистон ва Туркменистоннинг вақт синовидан ўтган дўстлик, ҳамкорлик ва яхши ўлчиқчилик муносабатларига янги суръат бахш этади.

Назира МАНЗУРОВА,
ЎЗА мухбири.



ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ 2013 ЙИЛ ТЎҚҚИЗ ОЙИДАГИ ИЖРОСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

26 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан тақриф этилган кун тартиби тасдиқланганидан кейин депутатлар Давлат бюджетининг 2013 йил тўққиз ойидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқдилар. Ушбу масала юзасидан молия вазирининг ўринбосари М. Мирзаев, шунингдек, Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси раисининг ўринбосари С. Отамуродов маъруза қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов томонидан жорий йил январь ойида ҳукумат мажлисида белгилаб берилган 2013 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Дастурининг энг муҳим устуворлиқларини амалга ошириш доирасида ўтган тўққиз ой мобайнида Ўзбекистонда макро-иқтисодий барқарорлик ҳамда иқтисодийнинг юқори суръатлардаги ўсиши таъминланди, шунингдек, белгиланган макро-иқтисодий кўрсаткичларга эришилди. Бундай ижобий кўрсаткичлар иқтисодийнинг ва мамлакатимизда ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлигини янада ошириш, ишлаб чиқариш, транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни тезлаштириш, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини ошириш ҳисобидан таъминланди.

Давлат бюджетни ҳисобот даврида профицит билан ижро этилди. Ташкил савдо айланмасининг ижобий сальдоси 1 миллиард АҚШ долларидан ортиқни ташкил этди. ЯИМнинг ўсиш суръатлари 8,1 фоизни, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмлари 9,4 фоизни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 6,8 фоизни, чакана савдо айланмаси 14,7 фоизни

ташкил этди. Машинасозлик ҳамда металлга ишлов бериш, энгил саноат, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш, озиқ-овқат саноати каби тармоқларнинг жадал ривожланиши таъминланди. Саноат ишлаб чиқаришининг умумий тузилмасида ушбу тармоқларнинг улуши ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 47,4 фоиздан 51,4 фоизга ўсди. Шу йилнинг бошидан тахминан 2,2 минг ишлаб чиқариш объекти ишга туширилганлиги ҳам саноат ишлаб чиқаришининг ўсишига кўмаклашди.

Мажлисида ҳисобот даврида Давлат бюджетининг харажат қисмида таълим, соғлиқни сақлаш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, пенсиялар, нафақалар тўловлари каби ижтимоий соҳани молиялаштиришга устувор аҳамият берилганлиги алоҳида таъкидланди.

Умуман олганда, Давлат бюджетни 2013 йилнинг 9 ойи мобайнида Олий Мажлис томонидан тасдиқланган параметрларга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарорига мувофиқ ижро этилди.

Саволларга жавоб берилганидан кейин ҳисобот батафсил муҳокама этилди. Муҳокама чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экология харақатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари сўзга чиқдилар.

Музокараларда ЎзЛиДеП фракцияси вакиллари Вазирилар Маҳкамасининг ҳисоботини таҳлил қилишда партиянинг сайловолди дастурини амалга ошириш бўйича ўз устуворлиқлари, биринчи навбатда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, мамлакатимизнинг инвестициялар жалб қилиш имкониятини ошириш учун мумкин қадар қўлай ишчанлик муҳитини шакллантириш асосида иқтисодийнинг рақобатбардошлигини ошириш вазифаларини ҳал қилишга урғу берилганини таъкидладилар.

(Давоми 2-бетда).

Маҳаллийлаштириш дастури:

Кенг имкониятлар самараси



Ўзбекистонда ишлаб чиқаришган

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик — иқтисодийнинг ўзгаришларга тез мослашувчан соҳаси. Шу боис ички бозорни исстеъмол товарлари билан тўлдирини, хизмат кўрсатишининг янги ва замонавий турларини жорий этиш ҳамда экспорт салоҳиятини кўсгалтиришда мазкур тармоқ вакиллариининг ҳиссаси тобора ортиб бораёпти.

Масалан, Урганч шаҳридаги "Мини аккумулятор" масъулияти чекланган жамиятида дастлаб четдан келтирилган эҳтиёт қисмлар йиғилиб, аккумуляторлар ишлаб чиқарилади. Кўп ўтмай, илгўр дастгоҳлар келтирилиши натижасида ушбу маҳсулотни тўлиқ шу ерда тайёрлаш ўзлаштирилди. 2007 йилга келиб эса, корхона томонидан Жиззах аккумулятор заводига моноблоклар етказиб бериш йўлга қўйилди. Бунинг учун 120 минг АҚШ дол-

лари миқдоридида банк кредитидан самарали фойдаланилди. Изланиш ва интилиш — муваффақиятлар гарови. Буни ҳисобга олган "Мини аккумулятор" жамоаси яқинда яна бир янгиликка қўл урди. 313 минг АҚШ доллари эвазига корхонага 4 та замонавий дастгоҳ келтириб ўрнатилди. Пировардида бу ерда янги русумдаги аккумулятор моноблоклари ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, мавжуд қувватлар икки баробар оширилди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида

Тадбирда Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идораларо комиссияси аъзолари, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Адлия, Ички ишлар вазирликлари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази, Республика Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Журналистлар ижодий уюшмаси, ННТ

ва ОАВ вакиллари иштирок этди. Давра суҳбатида қайд этилганидек, Ўзбекистон инсон ҳуқуқларига оид 80 дан ортиқ халқаро шартномаларга қўшилган бўлиб, одам савдосига қарши кураш соҳасига таллуқли асосий халқаро шартномалар иштирокчиси ҳисобланади. Пировардида Ўзбекистонда одам савдосига қарши курашни тартибга солувчи халқаро ҳуқуқ талабларига тўла мос бўлган миллий қонунчилик базаси шакллантирилди.

(Давоми 2-бетда).

Ишбилармонлик фаолияти

корхона мутасаддиларининг солиқ борасидаги билим ва тушунчаларига бевосита боғлиқ

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан "Солиқ Инфо" газетаси тахририяти билан ҳамкорликда корхона ва ташиқлотлар раҳбарлари ҳамда ТАДБИР бухгалтерлари учун "Кичик бизнесда солиқ солишга оид долзарб масалалар" мавзуда семинар ташкил этилди. Унда ягона солиқ тўлови (ЯСТ)ни ҳисоблаб чиқиш, тўлаш ҳамда қўйилган қиймат солиғи (ҚҚС)ни ихтиёрий равишда тўлаш масалалари муҳокама қилинди.

Қайд этилдики, ҳозирги кунда ягона солиқ тўлови бўйича қонунчиликка меъёрий ҳужжатлар етарли да-

ражада ишлаб чиқилганига қарамай, ишбилармонларда ҳамон ушбу йўналишда кўплаб саволлар пайдо бўлмоқда. Хусусан, амалиёт шуни кўрсатдики, экспорт улуши реализациянинг умумий ҳажмида 15 фоиздан 30 фоизгача ташкил этса, солиқ ставкаси 30 фоизга, ушбу кўрсаткич 30 фоиз ва ундан юқори бўлса, солиқ ставкаси икки баробар камаяди.

(Давоми 2-бетда).

Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

Оқолтин туманидаги "Ипак Шерзод Шерозий" масъулияти чекланган жамияти жамоаси туманда етиштирилган пиллани қайта ишлаш билан шуғулланиб келарди. Эндиликда улар ўзлари тайёрлаётган ипақдан адрас тўқишни ҳам йўлга қўйдилар.

Оқолтин адраслари

Қисқа муддатда корхона ишчилари марғилонлик атлас-адрас усталаридан 30 га яқин нусхаларда адрас тўқишни ўзлаштириб олдилар.

— Йилига 200 минг погон метрга адрас тайёрлаш имкониятига эгамиз, — дейди масъулияти чекланган жамияти раҳбари Нурали Одинаев. — Келгусида мавжуд қувватларни янада ошириб, туманимизда етиштирилаётган пилла хом ашёсини тўлиқ қайта ишлашни режалаштираёмиз.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Интерактив назорат тизими

Ангрэн шаҳрида транспорт, ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш борасида кўплаб лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Бу жараёнда замонавий ахборот технологиялари ютуқларидан кенг фойдаланилаётгани айни муддао бўлмоқда.

"Ангрэн логистика маркази" акциядорлик жамияти таркибидидаги "Махсустрэнс" корхонаси транспорт воситалари ҳаракатини эндиликда бемалол автоматик тарзда назорат қилиши мумкин. Гап шундаки, бу ерда яқинда ягона диспетчерлик маркази фаолияти йўлга қўй-

либ, унинг тасарруфидаги 350 га яқин транспорт воситаларига масофадан кузатиш имконини берувчи махсус қурилмалар ўрнатилди. Эътиборлиси, бундай интерактив назорат тизими марказнинг транзит фаолиятида барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш баробарида, янги иш ўринлари ташкил этилишига ҳам замин яратди.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Жорий йилнинг ўтган даврида Бухоро вилоятида иқтисодийнинг устувор тармоқларидан саналган саноат, қурилиш ҳамда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларида банд бўлганлар сони 515 минг нафарга етди.

Бежирим дизайн ва юқори сифат

Бунда тадбиркорлик субъектларининг ҳиссаси катта бўлди. Жумладан, яқинда Ғиждувон туманида "Меҳробиддин савдо чашмаси" хусусий корхонаси фаолият бошлаши билан 25 та иш ўрни юзга келди. Истиқболли лойиҳа рўёби учун қарий 60 минг АҚШ доллари миқдорига сармоа йўналтирилди. Ҳозир бу ерда болалар ва аёллар кийимлари тайёрланмоқда. Энг муҳими, корхона ёрлиғи туширилган либослар ўз дизайни ва нисбатан арзонлиғи билан харидорларга манзур бўлмоқда.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ 2013 ЙИЛ ТЎҚҚИЗ ОЙИДАГИ ИЖРОСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш дастури доирасида қўрилган чора-тадбирлар натижасида микрофирмалар ва кичик корхоналарнинг ишлаб чиқариш ҳажми ортди, бу эса ягона солиқ тўлови тушумларининг ошишига олиб келди. Солиқ юқининг пайсантирилиши, хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган банк кредитлари ҳажмининг оширилиши кичик бизнеснинг жадал ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди. Хусусий секторда солиқ юқининг пайсантирилиши хўжалик юретишчи субъектларга ишлаб чиқаришни кенгайтириш, корхоналарни янги асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ҳамда янги иш ўринларини ташкил этиш имконини берганлиги қайд этилди.

Аграр сектор, фермерлик ҳаракати ривожланишини қўллаб-қувватлаш бўйича аниқ мақсадли сиёсатнинг амалга оширилиши, арготехник тадбирлар билан боғлиқ баъзи харажатларнинг камайтирилиши фермер ва деҳқон хўжаликлари даромадларининг орттиши, ерлар ҳосилдорлигининг ошиши учун пойдевор яратди.

ЎзДепутатлари тадбиркорлик фаолияти учун мўлжалланган бизнес-муҳитини янада яхшилашга, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тўлиқ ҳажмидаги ижросини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатларининг талаблари жойларда сўзсиз ижро этилиши муҳим эканлигини таъкидладилар.

ЎЗХДП фракцияси депутатлари Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқишда Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини амалга ошириш, ижтимоий соҳани янада ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратдилар. Ҳисобот даврида бюджет харажатларининг таъминини 60 фоизи ижтимоий соҳага тўғри келиши Давлат бюджетининг ижтимоий йўналтирилганлигидан дарак беради.

Жумладан, харажатларнинг 57,5 фоизи таълим муассасаларини сақлаш ва ривожлантиришга тўғри келди. Фракция томонидан таъкидлаб ўтилдики, жорий йилнинг 1 сентябридан бошлаб биринчи синфдан чет тилларини, усту-

вор равишда инглиз тилини ўқитиш бошланди, чет тили ўқитувчилари ва мураббийларнинг тариф ставкаларига қишлоқ жойларда жойлашган таълим муассасаларида 30 фоиз миқдорда, қолган жойлардаги таълим муассасаларида 15 фоиз миқдорда ҳар ойлик устамалар белгиланди.

Шунингдек, «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида кўриб чиқилаётган даврда 540 минг нафар биринчи синф ўқувчиси учун ўқув куроллари ҳамда кам таъминланган оилалар учун киши киём-бош ва пойабзаллар олинди, 64 та «Баркамол авлод» болалар маркази ҳамда 132 та коллеж ва академик лицей капитал таъмирланди.

Айни вақтда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланишга бундан буюн ҳам риоя қилиш муҳимлигига эътибор қаратилди.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» ДП фракцияси аъзоларининг фикрича, юксак маънавиятли ва ахлоқли, эркин, масъулиятли ва баркамол шахсни тарбиялашга ҳар томонлама қўмаклашиш муҳимдир. Шу муносабат билан Давлат бюджетдан мактабгача таълим муассасаларига таълим соҳасига ажратилган барча харажатларнинг 11,4 фоизи миқдорда, умумтаълим муассасаларига 54,5 фоиз миқдорда маблағ ажратилди. Урта махсус таълим тизимида ўқув-амалий машғулотлар ўтказишни ташкил этиш учун хом ашё ва ёқилғи-мойлаш материалларининг таъминини 2,4 минг турини харид қилиш назарда тутилган.

Ҳисобот даврида фанни ривожлантириш учун ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан 23,7 фоиз кўпроқ маблағ ажратилди. Таълим соҳасини молиялаштириш ҳажмларининг ошганлиги қайд этилган ҳолда Ўзбекистонда 2013 йил 1 январдан бошлаб олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир поғонали тизими жорий этилди, илмий тадқиқот муассасаларида ишловчи катта илмий ходим-тадқиқотчилар сони ортди ва ушбу мақсадлар учун назарда тутилган харажатлар ошди. Партиянинг ишончи қомилки, бу давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини юксак маънавиятли, профессионал маҳоратли ҳамда мамлакатимиз ва халқимиз тақдири учун масъул, баркамол, ватанпарварлик ҳисси-

га эга кадрлар билан таъминлашга қўмаклашади.

Ўзбекистон «Адолат» СДП фракциясининг аъзолари Давлат бюджетининг ижросини таҳлил қилишда ўз сайловли дастури устуворликларига уруғ бердилар. Фракциянинг фикрича, бозор иқтисодиётининг ижтимоий йўналиши чуқурлаштирилиши иқтисодий ўсиш натижалари аҳолининг турли ижтимоий гуруҳлари ва қатламларининг турмуш сифати ва даражасини оширишини таъминлаш керак.

Шу муносабат билан «Обод турмуш йили» Давлат дастурини амалга ошириш доирасида жорий йилнинг 9 ойи мобайнида аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва унинг бандлигини оширишга доир бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Фракция Давлат бюджетининг 14 ёшгача фарзандлари бўлган оилаларни, 2 ёшгача бўлган бола парварини билан банд ишламайдиган оналарни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, даромади кам оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, фуқароларнинг алоҳида тоифаларига уй-жой-коммунал хизматлар тўлаш бўйича имтиёзлар ўрнига компенсация пул маблағларини тўлашга тааллуқли қисми ижроси масаласининг таҳлиliga алоҳида эътибор қаратди. Фракциянинг ишончи қомилки, буларнинг барчаси аҳоли турмуш сифати янада яхшиланишига қўмаклашади.

Шунингдек, кўриб чиқилаётган даврда соғлиқни сақлашни ривожлантиришга 2012 йилнинг шу давридаги нисбатан 22,2 фоиз кўпроқ маблағ ажратилгани таъкидланди. Бу ижтимоий соҳага ажратилган барча харажатларнинг 24,2 фоизини ташкил этади. Шу муносабат билан Давлат бюджетининг 2013 йилдаги ижросини маъқуллаган ҳолда Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси соғлиқни сақлашнинг давлат секторини мустаҳкамлаш йўлини давом эттириш муҳим, деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи Давлат бюджетидан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш учун ажратилган харажатлар 2013 йилнинг 9 ойи мобайнида 89,7 миллиард сўмини ташкил этишини қайд этди. Ушбу харажатлар биохилма-хилликни сақлаш ҳамда ландшафт, ҳайвонлар ва ўсимликларни муҳофаза

қилиш, юқумли касалликларнинг олдини олиш, чиқиндиларни йиғиш ва йўқотишни ташкил этиш, оқова сувларни тозалашга сарфланган харажатларни ўз ичига олди.

Шунингдек, Қишлоқ аҳоли пунктларининг ичимлик суви билан таъминланганлигини янада яхшилаш дастури доирасида қишлоқ аҳоли пунктларини сув билан таъминлаш тармоқларини барпо этиш объекти бўйича 106 миллиард сўмдан ортқ маблағ ажратилди. 2 минг километрдан зиёд сув ўтказувчи тармоқ, шу жумладан, қишлоқ жойларда 1,9 минг километр сув ўтказувчи тармоқ ишга туширилди.

Шу билан бирга, депутатлар гуруҳи томонидан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш учун ажратилаётган бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш борасида тегишли давлат тузилмаларининг масъулиятини янада оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот депутатларда кўплаб саволлар туғдирди ҳамда ушбу саволлар ҳуқумат вакилларига берилди. Бюджет даромад қисмининг сифатли ижросига салбий таъсир кўрсатадиган омилларга алоҳида эътибор қаратиш тақлиф этилди. Муҳокама чоғида депутатлар бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш ва жойларда қонунлар ижросини тўлиқ таъминлашга тааллуқли амалий тақлифлар билдирдилар.

Барча сиёсий партия фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари фикр-мулоҳазаларини эшитиб ва муҳокама қилиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Давлат бюджетининг 2013 йил тўққиз ойидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлади ҳамда тегишли қарор қабул қилди.

Мажлисида «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2014 йилги асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам биринчи ўқишда кўриб чиқилди ва қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати.

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Шу муносабат билан мазкур солиқ бўйича ҳисоботни солиқ мажбуриятлари бўйича 5 йилни ташкил этадиган давво қилиш мuddати мобайнида қайта топшириш билан боғлиқ саволлар ҳам юзга чиқмоқда.

Тадбирда ягона солиқ тўлови ставкалари белгиланган бир неча фаолият турлари билан шуғулланувчи солиқ тўловчилар мазкур фаолият турлари бўйича алоҳида ҳисоб юритиш ҳамда ягона солиқ тўловчиларнинг тегишли тоифалари учун ўрнатилган ставкалар асосида тўлаш лозимлиги қайд этилди. Бунда бошқа даромадларга асосий фаолият тури учун белгиланган ягона солиқ тўлови ставкалари бўйича солиқ солинади.

Агар чакана савдо корхоналари, ултуржи ва чакана савдо билан шуғулланувчи дорихоналар мустақил юридик шахс бўлмаган бир неча савдо шохобчаларига эга бўлса, улар ягона солиқни ҳар бир савдо шохобчаси бўйича товар айланмасининг алоҳида ҳисобини юритиб, мазкур аҳоли пунктлари учун белгиланган ставкалар асосида тўлайдилар.

Мазунинг яна бир «заиф жиҳати» янги технология жиҳозларни сотиб олишга йўналтирилган пул маблағлари суммасида солиқ солиш базасини камайтириш масаласидир. Ушбу норма, бир томондан, корхона ва ташкилотларда модернизация-

Ишбилармонлик фаолияти

корхона мутасаддиларининг солиқ борасидаги билим ва тушунчаларига бевосита боғлиқ

лаш тадбирларини амалга оширишни рағбатлантириш мақсадида жорий этилган бўлса, бошқа томондан, 2013 йилдан эътиборан қайси суммалар чегириб қолиниши лозимлиги тавсифига кирилган ўзгартишлар базан ҳисоб-китобларда ҳаттоликларни келтириб чиқарди.


Маълумки, Солиқ кодексига мувофиқ, ягона солиқ тўлови тўловчилари алоҳида умумбелгиланган солиқлар, шу жумладан, қўшилган қиймат солиғидан озод этилган. Бирок қўшилган қиймат солиғи солинадиган оборотни амалга оширадиган ягона солиқ тўловини тўловчиларга қўшилган қиймат солиғини ихтиёрий равишда тўлаш имконияти ҳам берилган. Бундай ҳолат бизнес юритишнинг айрим жиҳатларига тааллуқли. Масалан, корхона фаолияти экспортга йўналтирилган ҳолда, ҚҚСнинг барча суммасини (хом ашё харид қилиш, электр энергияси ва бошқалар учун) ҳисобга олиш, яъни амалда тўланган қўшилган қиймат солиғини қайтариш мумкин.

Хом ашё ва материалларнинг қўшилган қиймат солиғи билан олувчи ишлаб чиқариш субъектлари учун ҳам уни ихтиёрий асосда тўлаш фойдали. Бунинг афзаллиги шундаки, ягона солиқ тўловини тўлашда солиқ суммаси бюджетга тўланадиган лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи суммасига (ҳисобланган ягона солиқ тўловининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорга) камайтирилади.

Бундан ташқари, қўшимча қиймат солиғини ихтиёрий тўлаш умумбелгиланган солиқлар тўловчилари бўлган йирик корхоналар учун ҳам мақсадга мувофиқдир.

Семинар давомида иштирокчилар ягона солиқ тўлови ҳамда қўшилган қиймат солиғини электрон усулда топшириш юзасидан фикр алмашиш баробарида, мутахассислардан ўзларини қизқитирган саволларга батафсил жавоб олдилар.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Маҳаллийлаштириш дастури:

Кенг имкониятлар самараси

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Шунингдек, касб-ҳунар коллежларини битирган 10 нафар ёшнинг бандлиги таъминланди.

— Корхонамиз истиқлол тенгдоши, — дейди жамият раҳбари, «Меҳнат шухрати» ордени соҳибии Арслон Қаландаров. — Утган даврда маҳсулотларимиз тури кўпайди, ишчиларимиз сони 40 нафарга етди. Қолаверса, 2010 йилдан буюн ISO 9001:2009 стандарти асосида фаолият кўрсатиб келаялган. Албатта, буларнинг бари мамлакатимизда ишбилармонлар учун яратилган беқийс имкониятлар самарасидир.

Ҳозир виллоятимиздаги 10 миңдан зиёд тадбиркорлик субъектлари қатори юртимизда иқтисодий ҳаётда кўпроқ ҳисса қўлиш учун интилаялган. Бунинг учун келгусида кўплаб истиқболли лойиҳаларни рўёбга чиқаришни мақсад қилганмиз.

Ойбек РАҲИМОВ, Шомурот ШАРАПОВ (суратлар), «Халқ сўзи» мухбирлари.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Тадбирда таъкидланганидек, одам савдосига қарши курашиш фаолиятида ижтимоий шериклик тамойили муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ЁИХ, «Ижтимоий фикр»

жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази, Республика Идораларо комиссияси, уларнинг ҳудудий тузилмалари эса жойлардаги ҳудудий комиссиялар таркибида фаолият кўрсатмоқда. Улар одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини оширишга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Давра суҳбатида, шунингдек, ўтган давр мобайнида кенг қўламли тарғибот ва ташвиқот ишлари билан бир қаторда, одам савдосига қарши курашиш, ушбу турдаги жиноят содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини бартафат этиш, унинг салбий оқибатларини камайтириш бўйи-

ча аниқ мақсадли чора-тадбирлар амалга ошириляётганлиги айтиб ўтилди. Айнан мазкур жараёнда оммавий ахборот воситаларининг иштироки муҳим аҳамият касб этишидан келиб чиқиб, ўзаро ҳамкорликни янада кучайтириш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати.

Тадбирда «Одам савдосига қарши курашиш бўйича халқаро шартномалар ва Ўзбекистон миллий қонунчилиги» ҳужжатлар тўплами ва «Сароб» ҳужжатли фильмнинг тақдимоти бўлиб ўтди.

Давра суҳбати яқунлари бўйича фаолиятни янада такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Матбуот хизмати.

ҚУЁШ ЭНЕРГЕТИКАСИ РИВОЖИДА ЯНГИ БОСҚИЧ



Сებაстьян ХАЙНС, «CamCool Research Ltd» компанияси вакили (Буюк Британия): — Президент Ислам Каримовнинг Осиё кўёш энергияси форуми оптичи йиғилишидаги нутқи менда катта таассурот қолдирди. Унда бугунги кунда муқобил энергия манбаларини ривожлантириш тенденциялари, бу борадаги янги уфқларни очинишнинг долзарб масалалари тўла таҳлил қилиб берилди. Жумладан, кўёш энергетикаси инқироздан чиқишда локомтив вазифасини бажарадиган омиллардан бири бўлиши мумкин ва зарурлиги ҳақидаги ёндашуви, шубҳасиз, форумнинг барча иштирокчилари қўллаб-қувватлашди.

Мазкур соҳани жадал раванқ топтириш учун мамлакатимизда кўплаб имкониятларга эга. Қўлай географик жойлашуви, бир йилнинг 320 кундан зиёди кўёшли ўтиши, ташкилий-ҳуқуқий ва илмий салоҳиятнинг юқорилиги бунга мисол бўла олади. Узим ҳам анжуман доирасида Тожик виллоятидаги «Физика-Кўёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси фаолияти, Катта Кўёш печи ҳамда Самарқанд виллоятидаги 100 МВт қувватли кўёш фотоэлектрик станцияси лойиҳаси билан яқиндан танишиб, Ўзбекистоннинг бу борадаги салоҳияти юқори ва истиқболли эканлигига ишонч ҳосил қилдим.

Хабарингиз бор, Ўзбекистонда Осиё кўёш энергияси форумининг олтинчи йиғилиши юқори савияда, ишчан руҳда ташкил этилиб, яқунланди. Буни анжуманда қатнашганлар кўп бор таъкидладилар. Мухбирларимиз уларнинг айримлари билан суҳбатлашди.

ЭЪТИРОФ

Жон ВАН БРИНК, «Tonga Power Ltd» компанияси ижрочи директори (Тонга Кириллгити):

— Бугунги кунда бундан дунёда қайта тикланувчи энергия манбаларини тараққий топтиришга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Бу, албатта, улғувдордор ҳам ашёларининг чекланганлиги ҳамда экологик муаммоларнинг олдини олиш билан бевосита боғлиқ. Шубҳасиз, ижтимоий-иқтисодий ҳаётга МЭМ лойиҳаларини кенг тарқатиб этиш инсоният фаровонлигини таъминлашнинг энг муҳим омилларидан биридир. Президент Ислам Каримов ўз нутқида бу ҳақда тўхталиб ўтар экан, жаҳон ҳамжамиятини мазкур жараёнларда фаол иштирок этиши лозимлигини кўрсатиб ўтди. Ўз навбатида, «Яшил иқтисодиёт» ва соф энергетика инновацион тармоқлар ривож, демакки, илмий-техникавий юксалишга туртки бўлади. Бинобарин, давлатингиз раҳбарининг аънаваний энергетика тизимига нисбатан кўёш энергетикаси рақобатдошлигини таъминлаш бўйича билдирган фикрларига тўла ишқилиман. Яна шуни алоҳида эътироф этишни истардимки, Ўзбекистоннинг муқобил энергия манбаларини ривожлантириш бўйича бундай таъаббуси мамлакатингиз инновацион тараққиётнинг энг муҳим стратегиясини танлаганидан далолат беради.

Майкл ТЕНГ, Сингапур ишлаб чиқарувчилари федерацияси аъзоси:

— Электр энергиясига бўлган эҳтиёж йил сайин глобал миқёсда ортиб бормоқда. Халқаро энергетика агентлиги маълумотларида дунёда электр энергияси ишлаб чиқаришининг ўсиш суръатлари ўртача 3,4 фоизини ташкил этаётгани ўз ифодасини топган. Бундай шароитда қайта тикланадиган энергия манбалари ва унинг энг истиқболли таркибий қисми бўлган кўёш энергетикасига эътиборни кескин кучайтириш давр талаби ҳисобланади. Охириги беш йил давомида офтоб нуридан инсон манфаатлари йўлида фойдаланиш мақсадида соҳага 520 миллиард доллар, ўтган йилнинг ўзида эса 143 миллиард доллар миқдорда инвестиция йўналтирилган кўп нарсани англатади. Бу ҳақда Президент Ислам Каримов форумнинг олтинчи йиғилишидаги нутқида алоҳида тўхталиб ўтди. Шубҳасиз, Ўзбекистон мазкур жаҳонда ниятда катта имконият ва истиқболга эга мамлакатдир. Шунга мос равишда юртингизда геотермоэнергетика оид лойиҳаларни рўёбга чиқариш ҳар томонлама рағбатлантирилмоқда, соҳада фаолият юритяётган илмий тадқиқот институтлари, бизнес тузилмаларининг моддий-техник ҳамда кадрлар базаси мус-

таҳамланаяпти. Бунга форум ишидаги иштирокчимиз давомида амин бўлдим.

Жан СТОТКО, СМА Кўёш технологиялари агентлиги ходими (Германия):

— Юртингиздаги қайта тикланувчи энергия манбаларининг миқдори 51 миллиард тонна нефть эквивалентига тенг экан. Бу, кўпчилик мутахассислар қатори, менда ҳам катта қизиқиш уйғотди. Тўғри, дунёда кўёшли ўлкалар кам эмас. Лекин табиатнинг ана шу неъматидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари ҳамма ерда ҳам ишлаб чиқилмаган. Ўзбекистоннинг Паркент туманидаги «Физика-Кўёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Материалшунослик институтига сафаримиз чоғида юртингиз муқобил энергия манбаларини илмий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этиш бўйича катта имкониятга эга эканига гувоҳ бўлдим. Мужассамлаштирилган кўёш нуруларининг моддалар билан тасири, оловдорлар материалларини синтез қилиш жараёнининг ўрганиш йўналишлари, офтоб нурулари таъсирида янги техника қисмларини синовдан ўтказиш усуллари каби тадқиқотлар Ўзбекистонлик мутахассисларнинг илмий салоҳияти юқорилигини кўрсатади. Осиё кўёш энергияси форумининг 6-йиғилиши бу тажрибани хориж мамлакатлари билан ўртоқлашиш ва муқобил энергия соҳасидаги янгиликлар билан танишиш учун ажойиб имкониятдир. Унинг айнан Ўзбекистонда ўтказилиши қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишнинг истиқболли رهжаларини белгилаб олишда катта аҳамиятга эга бўлди.

Эдуард ЯКУБОВ, Холон технологиялар институти ректори (Испроил):

— Ўзбекистонга биринчи марта келишим эмас. Шунинг учун мамлакатининг замонавий технологиялар соҳасида қанчалик катта салоҳиятга эга эканлиги яши биламан. Форум доирасида биз бориб кўрган, денгиз сатҳидадал минг метр баландида, тоғлар этагида жойлашган, баландидаги 40 метрга келадиган улкан иншоот юртингизнинг муқобил энергия манбаларини ривожлантиришга ўзига хос равиш, десам, мулобага бўлмади. Кўёш томонга автоматик равишда ўтирилиб, унинг қувватини йиғаятган бу қурилма минглаб ватт энергия ёрдамида энг қийин парчаланадиган материалларни ҳам эритиш қувватига эга экан.

Бундан бир неча йиллар илгари олимлар офтоб нуруни электр қува-

тига айлантиришни фақат илмий жиҳатдан фараз қилишган бўлса, бугунги кунда ушбу табиий энергия манбаидан турли соҳаларда кенг фойдаланилмоқда. У экологик жиҳатдан зарарсизлиги билан бирга, ишлаб чиқаришда катта куч талаб қилмайди. Шундан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, муқобил энергиянинг ривожига келажакда Ўзбекистонга катта энергетик имкониятлар эшигини очади.

Алессандро ДАНЕУ, «Agatos Green Power Lemuria» компанияси вакили (Италия):

— Ҳозирги кунда дунёнинг кўплаб давлатлари, айниқса, Европа мамлакатлари жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозни асоратларидан азият чекаяпти. Боз устига, ушбу ҳудудларда аънаваний энергия манбаларидан фойдаланиш ҳажми изчил ошиб бормоқда. Мана шундай нуқулай вазиятда жамиятнинг барча жаҳонлари, айниқса, аҳоли ҳаёт тарзига муқобил энергия манбаларини изчил жорий этиш, «яшил технологиялар» асосида иқтисодий таъминланган инновацион энергия қилиш энг оқилона йўлдир.

Президент Ислам Каримов ўз нутқида алоҳида таъкидлаганидек, ҳалокатли инқироздан чиқиш йўлини топиш жаҳон ҳамжамиятини замонавий технологияларнинг принципал жиҳатдан янги авлодини ўзлаштиришга, бошқача айтганда, ишлаб чиқаришнинг янада жадал ва тежамкор ўсиш суратларини таъминлайдиган илмий-техник тараққиётнинг янги босқичига олиб келади.

Бизнинг компаниямиз ҳам ушбу соҳада фаолият юритмоқда. Ўзбекистонда бу борада қилинаётган ишлар ва тажрибалар билан яқиндан танишганимиз, анжуман доирасида тингланган маърузаларимиз, ҳамкасбларимиз билан фикр алмашганимиз, ҳамкорлик қилишга келишиб олганимиз олдимизга қўйган мақсадларимизни самарали амалга оширишда асқотиши, шубҳасиз.

«Халқ сўзи» мухбирлари Саиджон МАХСУМОВ, Алишер ОТАБОВ

ёзиб олди.

ЖАҲОН

24 соат ичида

АҚШнинг "Goldman Sachs" банки таҳлилчиларининг фикрича, 2014 йилда жаҳон иқтисодиёти жадал суръатлар билан қайта тикланади.

Таҳлилчилар тахмини



Масалан, келгуси йилнинг ўрталарига бориб, Европа ва АҚШ иқтисодиёти тахминан 3-3,5 фоизга ўсади. Айти шунинг омили глобал миқёсда вазиятнинг ижобий томонга силжишида муҳим роль ўйнайди. Натижада 2015 йилда дунё бўйича ялпи ички маҳсулот ҳажми 4 фоизга ошади.

Талаби инобатга олинди

Франциянинг "PSA Peugeot Citroen" автомобилсозлик компанияси бош директори Филипп Варен келгуси йилнинг 1 январидан эътиборан ўз лавозимидан кетади.




Унинг истеъфоси компания директорлар кенгашининг шошилинч равишда ўтказилган мажлисида расман тасдиқланди. Филиппнинг ўрнини "Peugeot"нинг асосий рақобатчиси бўлмиш "Renault-Nissan" компанияси собиқ етакчи менежери Карлос Таварес эгаллайди. Гап шундаки,

жорий йилнинг сентябрь ойида айнан Тавареснинг дабурустдан ўз лавозимини тарк этгани кўпчилики ажаблантирган эди. У "PSA Peugeot Citroen"нинг янги раҳбари этиб тайинлангани ҳақида тарқатилган хабарлардан сўнг ҳаммаси ойдинлашди. "PSA Peugeot Citroen" 2012 йилда 5 миллиард евро миқдорда зарар кўрган. Изоҳлашчи, унинг бош директорини ўзгартиришни асосий инвестори — Хитойнинг "Dongfeng" компанияси талаб қилган.

Тадқиқотлар хулосаси

АҚШнинг "Вил Корнел" тиббий коллежи олимлари юрак-қон томир хасталикларини келтириб чиқарувчи генни топишга муваффақ бўлдилар.



Мазкур йўналишда олиб борилган тадқиқотлар хулосаси "American Journal of Cardiology" нашрида батафсил баён этилган. Кузатишларда "АроЕ" деб номланган ген мутацияси жараёнида орга-низмда ёллар ишлаб чиқаришни орттириши аниқланган. Айнан ушбу ўзгариш инсонда юрак-қон томир, қандли диабет, инсулт каби касалликлар ва ортқича вазнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Келишувга эришди

Саудия Арабистонининг "Saudi Electricity Co" компанияси АҚШнинг "General Electric" корпорацияси билан умумий қиймати 435 миллион долларга тенг бўлган ҳамкорлик битимини тузди.



Унга кўра, "General Electric" Ар-Риёд шаҳрида янги электростанцияларга хизмат кўрсатади ва уларнинг узлуксиз ишлашини таъминлайди. Бундан ташқари, "Saudi Electricity Co" ва

"General Electric" ўрта-сида тузилган битимга мувофиқ, АҚШ корпорацияси Саудия Арабистонига 12 та газ ва 4 та буғ турбинасини етказиб беришни ҳам ўз зиммасига олган.

Энг қиммат спорт жамоалари

"Forbes" журнали дунёнинг энг қиммат спорт жамоалари рейтингини эълон қилди.

Ушбу рўйхатнинг биринчи погонасини 450 миллион АҚШ долларига баҳоланган Мадриднинг "Реал" футбол клуби эгаллади. "Нью-Йорк Янкис" (Америка футбол, 273 млн. доллар), "Бостон Ред Сокс" (бейсбол, 237 млн. доллар), "Нью-Ингленд Пэтриотс" (Америка футбол, 223 млн. доллар), "Бавария" (футбол, 203 млн. доллар) ҳамда "Арсенал" (футбол, 162 млн. доллар) жамоалари ўрин олган.

Шунингдек, дастлабки ўнликдан "Барселона" (футбол, 361 млн. доллар), "Нью-Йорк Янкис" (Америка футбол, 273 млн. доллар), "Бостон Ред Сокс" (бейсбол, 237 млн. доллар), "Нью-Ингленд Пэтриотс" (Америка футбол, 223 млн. доллар), "Бавария" (футбол, 203 млн. доллар) ҳамда "Арсенал" (футбол, 162 млн. доллар) жамоалари ўрин олган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ҲАМКОРЛИК

Тошкент давлат аграр университетининг илмий тадқиқот ва ўқув-тажриба станциясида Жанубий Корея Халқаро ҳамкорлик агентлиги (КОИСА)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси гранти асосида ишга туширилган замонавий иссиқхонанинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Унда Корея Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси вакиллари, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги мутахассислари, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази олимлари, университет профессор-ўқитувчилари, талабалар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Таъкидландики, мамлакатимизда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мақсадида хорижий инвестициялар иштирокчида кўплаб истиқболли лойиҳалар амалга ошириляпти. Жанубий Корея Халқаро ҳамкорлик агентлиги — КОИСАнинг Ўзбекистонда намунавий иссиқхоналарни

Намунавий иссиқхоналар кўпаяди

барпо этиш" лойиҳаси доирасида бунёд этилган, умумий майдони 5000 квадрат метрлик мазкур иссиқхона ҳам ана шундай сайёҳаракатлар самарасидир. Бундан ташқари, Президентимизнинг 2011 йил 24 ноябрдаги Қоғози билан тасдиқланган "Ўзбекистонда дастлабки иссиқхоналарни яратиш" лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорига мувофиқ, Заңгиота туманида умумий май-

дони 1500 квадрат метр бўлган кўчатчиликка ихтисослаштирилган, Юкори Чирчиқ туманида 5000 квадрат метрдан иборат дехқончилик маҳсулотлари етиштиришга мўлжалланган иссиқхоналар ҳам ишга туширилди. Уларнинг барчаси Жанубий Кореянинг "Myung Sung Placon Ltd." қурилиш компанияси томонидан қурилиб, замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланди.

Тошкент давлат аграр университетининг илмий тадқиқот ва ўқув-тажриба станциясида қурилган иссиқхонада эса талабалар бевосита ўқув-амалиёт машғулотларини ўтатиш билан бирга, турли маҳсулотлар етиштириш кўникмаларини эгалласалар, ёш олимлар илмий изланишлар олиб борадилар. Эътиборлики, бу ерда барваришланаётган помидор кўчатларида ҳосил туғунчалари кун сайин кўпаймоқда.

Янги иссиқхона негизида келгусида фермерларнинг малакасини ошириш ўқув курсларини ташкил этиш ҳам режалаштирилмоқда.

Д. МУРОДОВ.

Қулай, арзон, чидамли

Қишлоқ жойларда барпо этилаётган намунавий лойиҳа асосидаги тураржойлар қурилишида, асосан, маҳаллий шароитда тайёрланган бинокорлик ашёларидан фойдаланилаётгани эътиборлидир.

ИЗЛАНИШ

Янгиқўрғон туманидаги "Эталон" кўп тармоқли хусусий фирмаси ҳам ўзи ишлаб чиқараётган полиэтилен қувурларнинг навабдаги туркумини ана шундай иншоотлар қурилишига жўнатди. Бундан бир йил аввал фаолият бошлаган қорхонада тайёрланаётган бундай қувурлар ҳар жиҳатдан қулай, пишиқ ва арзон, энг муҳими, эллиқ йилдан ортиқ хизмат қилади. Шундан келиб чиқиб, аксарият бинокорлик ташкилотлари ички ва ташқи коммуникация тармоқлари қурилишидан ўндан фойдаланишни мақкул кўрмоқдалар. Тўққиз киши меҳнат қилаётган жамоада ишлаб

чиқариш жараёни тўла компьютерлаштирилган бўлиб, ойига 50-60 тоннадан зиёд маҳсулот тайёрланапти. — Айти пайтда қувватларни тўла ўзлаштириш ҳаракати ниҳоятга етказилапти, — дейди фирма иш бошқарувчиси Улугбек Дадабоев. — Жумладан, жорий йилнинг ўн ойи давомида қурилиш иншоотлари, нефть ва газ саноти ҳамда телекоммуникация тармоқларига 200 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот етказиб бериб, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан икки баравар ўсишга эришдик.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Реклама ва эълонлар

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига! Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси билан ҳамкорликда «Турон кўчмас мулк савдо» масъулияти чекланган жамияти

«КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибида ўтказилаётган очиқ аукцион савдосига тақлиф этиди.

«КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибида ўтказилаётган очиқ аукцион савдосига тақлиф этиди.

САНОАТ КОРХОНАСИ 4 — 6-разрядли электромонтажчиларни, 4 — 6-разрядли ускуналар монтажчи-созловчисини доимий ишга тақлиф қилади. Иш ҳақи — 2 млн. сўм.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2013 ЙИЛ 16 НОЯБРДАН 22 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

«OBIDA RIEL PROFESSIONAL» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибида ўтказилаётган очиқ аукцион савдосига тақлиф этиди.

8 ДЕКАБРЬ —

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ



“Камолот” ЁИХ жамиятда ёшларнинг фаоллигини юксалтириш, ўз иқтидор ва маҳоратини намойён этишига кўмаклашишга қаратилган бир қатор танлов, фестивал ҳамда лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. Асосий Қонуниimiz қабул қилинганнинг йигирма бир йиллиги муносабати билан “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати” мавзусидаги лойиҳа ҳам шу каби тадбирлар жумласидандир.

Асосий Қонуниimiz — ёшлар нигоҳида

“Камолот” ЁИХ Марказий Кенгашида Ўзбекистон Республикаси адлия, олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ҳамкорлигида мазкур лойиҳанинг аҳамиятига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳаркат фаоллари, лойиҳа тарғибчилари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашган анжуманда мутахассислар ушбу лойиҳадан кўзланган мақсад, унинг доирасида ташкил этилажак тадбирлар хусусида батафсил маълумот беришди.

— Бу тадбирларга Тошкент давлат юридик университети, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат педагогика университети ҳамда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг иқтисодий талабалари, ёш ўқитувчилари жалб этилган, — дейди “Камолот” ЁИХ Марказий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Феруза Мухаммеджоновна. — Бу беҳиз эмас. Асосий Қонуниimizнинг йигирма бир йил давомида юртимиз ҳаётида турган ўрни, барча соҳа ва йўналишлардаги туб ислохотлар хусусидаги тушунчаларини ёшлар бирига сўзлаб беради. Қолаверса, “Тенгдош — тенгдошга” тамойили асосида ташкил қилинаётган ушбу лойиҳанинг ўзига хослиги ҳам шунда.

Бундан ташқари, лойиҳа асосида вилоят, шаҳар ва туманлар судларида учрашувлар ўтказиш ҳам режалаштирилган. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилган ислохотлар мазмун-моҳиятини ёшларга тушунтириш, уларга оид қонун ва ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда бу жараёнда ёшларнинг бевосита иштирокини фаоллаштиришга хизмат қилади.

Лойиҳа доирасида икки босқичдан иборат “Конституция билимдони” он-лайн танлови ҳам ташкил этилмоқда.

Анжуманда қатнашчилар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олишди.

Илҳом ЖЎРАЕВ.

БИЗ ВА ЖАҲОН

Бонн ва Бухоро шаҳарлари биродарлашганига 10 йил тўлди. Бонн шаҳар маъмурияти, “Германия — Ўзбекистон” дўстлик жамияти ва Ўзбекистон Республикасининг Берлиндаги дипломатия ваколатхонаси томонидан ушбу сана муносабати билан Бонн шаҳрида уюштирилган тантанали кечада Бонн шаҳри ҳамда Шимолий Рейн-Вестфалия федерал ўлкасининг расмий, ишбилармон ва жамоатчилик доиралари вакиллари, Бухоро шаҳар делегацияси аъзолари, Германиянинг олий ўқув юртиларида таҳсил олаётган ўзбекистонлик талабалар ҳамда журналистлар ҳозир бўлдилар.

БОНН — БУХОРО: БИРОДАРЛАШГАН ШАҲАРЛАР БАЙРАМИ

Кеча иштирокчиларини кутлар экан, Бонн шаҳар мэри Юрген Нипч икки шаҳар ўртасида 1999 йили ўрнатилган яқин шериклик алоқаларининг тарихига атрофлича тўхталиб, У биродарлашган шаҳарлар ўртасидаги алоқалар доирасида ўзаро муносабатлар кўпгина йўналишларда жадал ривожланиб бораётганини қайд этди. “Ички маданий алмашувлар йўлга қўйилган, сайёҳлик, муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш ва бошқа соҳаларда кўшма сармоявий лойиҳалар амалга оширилмоқда”, деди у.

Юрген Нипч таълим соҳасидаги алоқаларни ўзаро ҳамкорликнинг муваффақиятли намунаси сифатида тилга олди экан, Бонн ва Бухоро мактаблари ҳамда мактабга таълим муассасалари ўртасидаги муносабатлар тобора мустаҳкамланиб бораётганига эътибор қаратди. Шу ўринда Шанхай шаҳрида бўлиб ўтган “Экспо — 2010” халқаро кўргазмасида Бухородаги 6-мактаб ва Бонндаги Л. Бетховен номи гимназиянинг бирлигида иштирокчига юқори баҳо берилди. Ўзбек ва немис ўқувчиларининг кўшма экологик лойиҳаси тақдимоти



мазкур халқаро кўргазма қатнашчилари ва меҳмонларида катта таассурот қолдирди.

Бонн шаҳар мэри Бухоро ва Бонн ўртасидаги биродарлик алоқаларининг ривожланишида “Германия — Ўзбекистон” дўстлик жамиятининг хизматлари катта эканлигини алоҳида таъкидлади. У ўзаро ҳамкорлик бундан кейин ҳам самарали кечишига умид билдирар экан, бирлигидаги сайёҳаракатлар билан янада кўп, янги ва қизиқарли лойиҳаларни амалга ошириш мумкинлигини маълум қилди.

“Германия — Ўзбекистон” дўстлик жамияти раиси (Бонн), ГФР Бундестагининг собик депутати Вольф Бауэр кеча қатнашчиларини ўзи раҳбарлик қила-

билан икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратаётгани таъкидланди. Бугунги кунда икки давлат ўртасида конструктив сиёсий мулоқот ўрнатилган, илмий, маърифий ва маданий ташкилотлар ўртасидаги алоқалар ўзининг ўсувчанлиги билан

ажралиб туради. Германиянинг 120 дан ортиқ компанияси Ўзбекистонда муваффақиятли фаолият олиб бормоқда. Улар орасида жаҳонга машҳур “MAN”, “Клаас”, “Кнауф”, “Дойче Кабель” ва бошқа компаниялар мавжудки, буларнинг барчаси Ўзбекистон ва ГФР ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларнинг тобора ривожланиб бораётганидан далолат беради.

Бонн шаҳар маъмуриятининг Маданият бошқармаси вакили Ханс-Йоахим Овер Бухоро билан биродарлашган алоқаларининг 10 йиллиги байра-



ми жуда яхши ташкил қилинганидан мамнунлигини айтarkan, федерал шаҳар мақомига эга бўлган Бонн Ўзбекистон билан маданий-гуманитар ҳамкорликни фаоллаштиришдан ҳамда турли кўшма лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишдан манфаатдор эканлигини маълум қилди.

— Биз яқинда Бонн маъмурияти ва “Германия — Ўзбекистон”

дўстлик жамиятининг делегацияси таркибига Бухорога бордик, — деди у. — Сафаримиз жуда мазмунли ва самарали кечди. Биз янгидан-янги режаларни амалга оширишга тайёрмиз, чунки улар мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг янада мустаҳкамланишига кўмаклашади.

Бонн маданият маркази раҳбари Юрген Беккер тантанали кечада ҳукмрон бўлган илқ ва дўстона муҳитни тадбирнинг ҳар бир иштирокчиси ҳис этганига асло шубҳа қилмаслигини айтди.

— Мен шу дамда Бухорога сафаримизни эслаб турган эдим, — деди у. — Сафар чоғида орттирган таассуротларим бирмабир қалбимдан кечмоқда. Чунки бугунги тадбир чоғида мен ўзбекистонлик дўстларим ва касбдошларим билан учрашдим. Биз ҳамкорлигимизнинг келгуси ривожига доир масалаларни ҳам муҳокама қилишга муваффақ бўлдик.

Тадбир қатнашчиси Сюзанне Мартен-Финнис ҳам Ўзбекистон хусусида, унинг тарихи ва замонавий ҳаёти ҳақида тўққизлаб гапирди.

— Менинг академик тадқиқотим мавзуларидан бири Бухоро ва Самарқандга бағишланган, — деди у. — Бу шаҳарларда тўққизлаб ишлаб чиқариши тарихан яхши ривож топган, шу боис мени адрас, сўзана сингари мураққаб мато маҳсулотларини яратиш юзасида ўзаро ҳамкорликни ўрнатиш имкониятлари қизиқтирди.

Бухоролик санъаткорларнинг тантанали кеча доирасида намойиш этилган маданий дастури ҳамда Ўзбекистоннинг Бухоро ва бошқа тарихий шаҳарлари бағрида жойлашган меъморий ёдгорликлар мавзусига бағишланган суратлар кўргазмаси тадбир қатнашчиларида унутилмас таассурот қолдирди.

«Жаҳон» АА. Берлин

Республика аҳолиси диққатига!

«JUN LONG INDUSTRIAL»

хорижий ишлаб чиқариш корхонаси
масъулияти чекланган жамияти

табиий Ангрен кўмири қуқундан тайёрланган кам аралашмали ва сифатли, юқори иситиш қувватига эга, махсус технология асосида корхонада ишлаб чиқарилган

кўмир брикетларини
ҳамда
сув билан
иситиш
печларини
таклиф қилади.

Тўловлар қелишилган шаклда амалга оширилади.
МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Манзилимиз: Тошкент вилояти, «Ангрен» махсус индустриал зонаси.
Мурожаат учун телефонлар: (8 370) 662-25-25, (+99871) 255-64-60, факс: (+99871) 255-63-73.
e-mail: jlangren@mail.ru

«ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ»
МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯСИ
ЯНГИ ЙЎНАЛИШЛАР ОЧМОҚДА!

ТОШКЕНТ – ВОЛГОГРАД – ТОШКЕНТ
ҳар ҳафтанинг чоршанба кунлари

УРГАНЧ – ВОЛГОГРАД – УРГАНЧ
ҳар ҳафтанинг шанба кунлари

O'ZBEKISTON
havo yo'llari

Сертификат № СЭ1-О

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» — хавфсизлик, барқарорлик, қулайлик!

+99871 140-02-00
www.uzairways.com

NEW HOLLAND
CONSTRUCTION

E 215 B

B 90 B

FIAT INDUSTRIAL

Махсулот сертифициланган.

Tel.: (+99871) 120-74-50, (+99890) 370-77-88. Fax (+99871) 120-73-55.

Реклама ва эълонлар

«Қибрай»
клиник санаторийси

юрак-қон томир ва асаб тизими касалликларини даволаш бўйича мамлакатимиздаги етакчи ихтисослаштирилган сўхатгоҳдир.
Бу ерда 2 нафар профессор, олий тоифали кардиолог, невропатолог, пульмонолог ва бошқа етук мутахассислар тиббиётнинг энг илғор усуллари асосида беморларни даволайдилар.

Сўхатгоҳда фитобар, теннис корти ва яна кўплаб қулайликлар мавжуд.
Яшаш хоналари кабель ТВ ва маиший электр асбоблари билан жиҳозланган.

Ошхонада 5 маҳал парҳез таомларни ўз ичига олган таомнома тавсия қилинади.

Манзилимиз:
Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қибрай қўрғони.
Метронинг «Буюк Ипак йўли» бекатидан 101-автобус ёки 135-йўналишли таксида «Дача» бекатигача бориш мумкин.

Тел.: (8-371) 286-02-00, 286-01-97, 286-01-46.

«КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Олмазор тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 21 июлдаги 10-1117/7803-сонли, 2011 йил 9 мартдаги 10-1008/21203-сонли, 2011 йил 16 майдаги 10-1114/4969-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Уста Ширин 1-тор кўчаси, 254-уйда жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 481 кв.м., бино-иншоотнинг умумий майдони 979 кв.м., фойдаланиш майдони 832,15 кв.м. бўлган, икки қаватдан иборат ертўлали маъмурий бино тақдоран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 716 032 495,78 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 13 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2013 йил 11 декабрь куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'shmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй.
Телефон: (8-371) 228-79-52.
www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1154. 75 516 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси қелишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Тахририятга келган қўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бемуратов томонидан саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.10 Топширилди — 22.10 1 2 3 4 5

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — С. Махсумов.
Мусахҳах — Ш. Масраббоев.